

2026-yil — Mahallani rivojlantirish va jamiyatni yuksaltirish yili

SESSIYA



MAS'UL RAHBARLAR HISOBOTI ESHITILDI

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashining navbatdagi XXII-sessiyasi bo'lib o'tdi.

Sessiya kun tartibiga kiritilgan asosiy masalalar muhokamasida dastlab xalq deputatlari tuman Kengashi deputati, Boysun tumani hokimi Bohadir Shukurovning "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 13-dekabrda "Surxondaryo viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hamda aholi turmush darajasini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-438-son Qarorining tumandagi ijrosi to'g'risida"gi masala yuzasidan hisoboti tinglandi. Ma'ruzachi o'z nutqida mazkur qaror ijrosi doirasida tumanda amalga oshirilgan ishlar, kelgusidagi vazifalar hamda belgilangan chora-tadbirlar doirasida mas'ul tashkilotlar oldidagi muhim vazifalar xususida to'xtalib o'tdi.

Ma'ruza muhokamasi yuzasidan so'z olgan deputatlar qaror doirasida amalga oshirilayotgan muhim vazifalar xususida o'z fikr-mulohaza hamda takliflarini bildirdilar.

Shuningdek, sessiyada tuman hokimi o'rinbosari Yusuf Jo'rayevning kun tartibiga kiritilgan yana ikkita masala – "Boysun tumanida 2026-yil 1-mavsum 1-fevraldan 20-martga qadar O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligining "Open byudjet "uz" rasmiy veb sayti orqali tumanda istiqomat qiluvchi fuqarolar tomonidan ovoz berish jarayoni yakuni bilan g'olib deb topilgan eng ko'p ovoz to'plagan takliflarga "Fuqarolar tashabbusi

jamg'armasi" hisobidan mablag' ajratish to'g'risida" hamda "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 31-yanvardagi "Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini moliylashtirish tartib-tamoyillarini takomillashtirish to'g'risida"gi PF-17-sonli Farmoniga asosan tashkil etilgan "Infratuzilma va ijtimoiy barqarorlik" jamg'armasi mablag'lari hisobidan mablag'lar ajratish to'g'risida"gi masalar yuzasidan hisobotlari eshitilib muhokama etildi.

Sessiyada yana bir muhim masala – "Yoshlarning intellektual salohiyatini yuksaltirish, ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish va huquqiy savodxonligini oshirish, shuningdek, besh muhim tashabbus doirasida mahalla va hududlarda tashkil etiladigan chora-tadbirlar kalendar rejasini tasdiqlash to'g'risida"gi masala muhokama etilib, ushbu masala yuzasidan O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi Boysun tuman bo'limi boshlig'i A.Ne'matullayevning hisoboti eshitildi.

Sessiya kun tartibiga kiritilgan barcha oltita asosiy masalalar muhokamasi yuzasidan deputatlarning fikr-mulohaza hamda takliflari eshitilgan holda tegishli qarorlar qabul qilindi.

Sessiyada, shuningdek, Boysun tumani hokimining qarorlarini tasdiqlash va boshqa masalalar ham muhokama etilib, tuman hokimining qarorlari tasdiqlandi.

Madina BOLTAYEVA,
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi deputati.

Joriy yilning 24-fevralida muhtaram Prezidentimizning "Ko'ksaroy" qarorgohida yoshlar bilan o'tkazgan ochiq muloqoti chog'ida yoshlarning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, yangi imkoniyatlar yaratish masalalari muhokama qilingan edi.

Shuningdek, mazkur muloqotda har haftaning payshanba kuni "Yoshlar kuni" sifatida belgilanishi, ushbu kunda rahbarlar tomonidan yoshlar bilan uchrashuvlar tashkil etish, ularning muammo va takliflarini o'rganish hamda yoshlar siyosatini samarali amalga oshirish vazifalari umumta'lim belgilab berilgan edi.

Mazkur talabdan kelib chiqib, tuman hokimi boshchiligidagi tegishli tashkilot va idoralar rahbarlari haftaning har payshanba kuni joylarda bo'lib, yoshlar bilan muloqot va uchrashuvlar o'tkazib, ularning muammolarini o'rganish, taklif va mulohazalarini tahlil etishga oid tadbirlarni amalga oshirib kelyaptilar. Yaqinda ana shunday uchrashuv 4-son umumta'lim maktabida bo'lib o'tdi.

Ta'kidlash joizki, ushbu ta'lim maskanida yangi o'quv yili avvalida kapital qurilish-ta'mirlash ishlari olib borilgani bois, bu yerda ta'lim-tarbiya sifati oshirilib, yoshlar uchun yetarli sharoitlar yaratilgan edi. Ayniqsa, uzoq yillar davomida foydalanilmay yotgan avariya holatidagi bino o'rniga yangi bino bunyod etilgani, shuningdek, zamonaviy sport zali ishga tushirilgani bois maktab talabalari fizkultura va sport hamda ta'lim sohasida

o'zlarining yangi qirralarini ko'rsatishlari uchun keng imkoniyatlar ochib berdi.

Ta'lim maskani ma'muriyati rahbarligida bugungi kunda ham maktab imkoniyatlarini yanada yaxshilashga qaratilgan ishlar davom ettirilmoqda. Xususan, tuman hokimi B.Shukurovning maktab pedagogik jamoasi va o'quvchi yoshlar bilan uchrashuvi davomida bu yerda yangidan tashkil etilgan Bookcafe va muhandislik laboratoriyasining ochilish marosimi ham bo'lib o'tdi. Ochilish marosimida, shuningdek, tuman prokurori, tuman IIB boshlig'i, Davlat

Жорий йилнинг 1-7 май кунлари Бойсун навбатдаги "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали доирасида яна ўз бағрига меҳмонларни қорлайди.

Хар икки йилда бир марта ўтказиши белгиланган халқаро анжуман бу йил илк марта ўзгача дастур асосида ташкил этилиши белгиланган. Хусусан, 1-7 май кунлари "Бойсун баҳори" туризм мажмуасида тадбирнинг асосий қисми бўлиб ўтади. Унда фестивалнинг тантанали очилиш маросими, хорижий ва мамлакатимиз фольклор-этнографик ансамбилларининг чиқишлари, гала концерт дастурлари, миллий либослар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, миллий ўйинлар ўтказилиши режалаштирилган.

Сурхондарё вилоят ҳокими У.Қосимов ҳамда фестивални ўтказишга масъул штаб аъзолари раҳбарлигида икки ойдирки, тадбирни халқаро андозалар талабига мос равишда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, фестивалнинг асосий қисми ўтказилиши белгиланган Бибиширин маҳалласидаги "Бойсун баҳори" туризм мажмуасида қайтадан реконструкция ишлари бажарилмоқда. Хар бир туман ва шаҳар кўрғонлари ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўша ҳудуд миллий қадриятлари, урф-одатларини акс эттирувчи ўзига хос алоҳида кичик музейларга айлантирилади. Бундан мақсад шуки, анжуманга ташриф буюрган иштирокчилар, хорижий ва маҳаллий меҳмонлар, томошабинлар нафақат Бойсуннинг, балки кўҳна



Сурхон воҳасининг хар бир шаҳар-туманларига хос анъаналар, урф-одат ва ҳаёт тарзимизни шу ернинг ўзида кўриш, танишиш имкониятига эга бўлсинлар.

Мазкур анжуман нафақат хар икки йилда ўтказиладиган халқаро тадбир балки, шу билан бирга вилоятимизнинг миллий туризм салоҳиятини юксалтириш, туризм жо-

юзув" кabi то'garaklar orqali o'z nutq madaniyatlarini oshirib, mustaqil fikrlarlash ko'nikmalariga ega bo'ladilar.

Maktabda yangidan tashkil etilgan muhandislik laboratoriyasining ham o'quvchi-yoshlar uchun bir qator afzalliklari mavjud. Jumladan, ushbu laboratoriyada o'quvchilarda texnik fikrlashni rivojlantirish, turli mexanizm va qurilmalarni loyihalash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Bu yerda o'quvchilar chizmalar asosida ishlash, modellashtirish hamda amaliy tajribalar o'tkazish orqali o'z nazariy bilimlarini mustahkamlaydilar. Shuningdek, laboratoriyada "Yosh muhandislar" to'garagi hamda robototexnika yo'nalishlari ham yo'lga qo'yilgan bo'lib, o'quvchilar robotlarni yig'ish, dasturlash, ularni harakatlantirish hamda turli vazifalarni bajarishga o'rgatish jarayonlarini amaliy tarzda o'lashtirishadi.

Tuman hokimi B.Shukurov yoshlar bilan muloqot chog'ida ular uchun davlatimiz tomonidan yaratib berilayotgan shart-sharoitlardan samarali foydalanib, ilm-fan sohasida yetuk mutaxassis-kadrlar bo'lib yetishishlari – bu avvalo davlatimiz yuksalishi uchun eng zarur bo'lgan omil ekanligini unutmastliklarini ta'kidladi. Shu bilan birga, hokim yoshlarning fikr-mulohazalari hamda takliflarini ham eshitdi.

A.NE'MATULLAYEV,
Yoshlar ishlari agentligi Boysun tuman bo'limi boshlig'i.

ДУНЁНИ ЧОРЛАЙДИ "БОЙСУН БАХОРИ"

зибадорлигини ошириш, хорижий меҳмонлар оқимини кўпайтиришни ҳам кўзлаган маъданий-маърифий воқилик сифатида эътироф этилганди. Масалан, биргина 2024 йилда ўтказилган ушбу фестивал тарғиботи натижасида вилоятга келиб-кетувчи маҳаллий ва хорижий туристлар оқими бир неча баробарга ошганлиги ҳатто давлатимиз раҳбари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Анжуманнинг мана шундай имкониятлари қайта ўрганилиб, бу йилдан унинг нуфузини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш белгиланди. Жумладан, бу йил биринчи марта фестивалнинг етти кунлик асосий дастурларидан ташқари яна уч кун -8-9-10- май кунларида Бойсуннинг бетакрор туризм масканлари, таърихий, географик манзиллари бўйлаб ту-

рамга мос тайёрлаш, ободонлаштиришга ҳам катта аҳамият қаратиладди. Меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хостеллар азий меҳмонларни кутиб олиш ва юқори даражада хизмат кўрсатишга шай ҳолатга келтирилди.

Меҳмонлар, айниқса, хориждан ташриф буюрувчи меҳмонлар, ансамбль жамоалари, туристлар учун замонавий гастрономик хизматлар кўрсатиш мақсадида "Бойсун баҳо-

ри" туризм маркази ва шаҳар ҳудудида гастрономик, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш нуқталари кеча-ю кундуз фаолият кўрсатиш ташкиллаштирилади. Фестивал дастури доирасида "Тандир фест", миллий томлар тайёрлаш тадбирлари уюштирилади.

Табиийки, халқаро даражадаги ушбу йирик маданий-маърифий тадбирни хар томонлама кўнгилли ўтказиш, жумладан жамоат хавфсизлигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинган. Хуқуқни ва аҳоли тинчлигини муҳофаза қилувчи барча идоралар вакиллари, тиббиёт, СЭС ходимлари бу борада хар доимгидек энг муҳим вазифаларни ўз зиммаларига олганлар.

Мутахассислар тахлилга кўра бу йилги фестивал ўз тарихида энг кўп меҳмонлар, кузатувчилар, иштирокчилар туристлар, ташриф буюрадиган тадбир бўлиши кутилмоқда. Мана шундай йирик анжуманки кутилгандан зиёд тарзда муносиб ўтказиш орқали биз нафақат воҳамиз, балки мамлакатимиз шон-шарафи, халқимизнинг ўлмас миллий қадриятларини яна бир бор бутун дунёга кўрсатган, тарғиб қилган бўламиз.

Даврон ОРИФ.
Юнус ХОЛИЁРОВ.

Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш бугуннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Асп касали дея эътироф этилаётган камҳаракатлик, жисмоний меҳнатдан узоқлашиш, узоқ муддат ком-

ЭКОЛОГИЯ ТАРҒИБОТИ

гаши раиси У.Бойматов соғлом ҳаёт кечириш, айниқса, бугунги ёш авлод хар томонлама жисмонан бақувват бўлиши, бунинг учун эса ёшлар мунтазам жисмоний тарбия



пьютерда ўтириб ишлаш ва овқатланиш маданиятига амал қилмаслик оқибатида барча ёшдаги одамлар орасида ҳаддан ташқари семириш каби инсон ҳаёти учун оғир оқибатларни олиб келувчи "ҳаракатсизлик касаллиги" кўпайиб бормоқда. Мана шундай вазиятда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Экология партияси Бойсун туман Кенгаши ва партия фаоллари томонидан яқинда Кофрун маҳалласида ўтказилган "Соғлом ҳаёт сари беш минг қадам!" шиори остида оммавий тадбир ҳам айнан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Маҳалла ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир аввалида Ўзбекистон Экологик партияси туман Кен-

ва спорт билан шуғулланиб туришларини таъкидлади.

Бўлиб ўтган тадбир давомида ёшлар ва тадбир иштирокчилари беш минг қадам пиёда юриши билан бирга турли хил бадантарбия машқларини ҳам бажариш билан шуғулландилар. Партия фаолларининг фикрига кўра ушбу акция доирасида нафақат ёшлар, балки ўрта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида хусусан, маҳаллалар, ташкilot ва корхоналарда ҳам оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ҳамда турли мавзулардаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш режалаштирилган.

Умид БОЙМАТОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Бойсун туман Кенгаши раиси.

HOKIM TALABA-YOSHLAR BILAN UCHRASHDI

UNDA MAKTABDA YOSHLAR UCHUN YARATILAYOTGAN IMKONIYATLAR TAHLIL ETILDI



xavfsizlik xizmatini tuman bo'limi rahbari, Yoshlar ishlari agentligi xodimlari hamda mahalla nuroniyarlari va ota-onalar ham ishtirok etdilar.

Ta'kidlash joizki, maktab hududida tashkil etilgan zamonaviy Bookcafe maktab o'quvchilari uchun erkin va ilhomlantiruvchi muhit bo'lib, unda yoshlar kitob mutolaa qilishi, o'zaro fikr almashuv va muloqot o'tkazish imkoniyatiga ega bo'ladilar. "Kitobxonlar klubi", "Munozara va depat", "Ijodiy

ЯНА БИР КЎЧМА КУТУБХОНА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ



Китоб мутлоаси ва маънавий - маърифий тарбияни кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади.

Кейинги пайтда эса китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган оммавий тарғибот ишларини нафақат ёшлар, балки корхона-ташкилот ҳамда барча қатламдаги кенг жамоатчилик орасида ҳам оммалаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Тажрибадан маълум бўляптики, корхона - та шки лотлар да китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш ва шакллантиришда ҳо йларда кўчма кутубхоналар ташкил этиш яхши самара беради. Шу мақсадда Бойсун туман ахборот кутубхона маркази ходимлари томонидан тумандаги бир қанча корхона-муассасаларда кўчма кутубхоналар ташкил этилиб, улар орқали китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш ва амалга ошириш самарали олиб боришмоқда.

Ана шундай яна бир кўчма кутубхона эса яқинда туман электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ҳамкорлигида ушбу муассасада ташкил этилди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида корхона раҳбарияти кўчма кутубхонани жойлаштириш учун шароит яратиб берди. Кутубхона ходимлари эса китоблар билан

таъминлаш, уларни мудом янгилаш ёки алмаштириб туриш, бир сўз билан айтганда китоб ва бошқа қўлланмалар фонди билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, кўчма кутубхонага ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари, замонавий илм-фан ва техника бўйича қўлланмалар, шунингдек, маънавият, тарбия ва касбий ривожланишга оид китоблар киритилди. Эндиликда корхона ходимлари ишлаб чиқариш жараёнидан сўнг ёки танаффус вақтида кутубхона хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Айниқса, ёш мутахассислар касбий адабиётлардан унумли фойдаланмоқдалар. Кўчма кутубхона нафақат китоб ўқиш, балки маънавий-маърифий суҳбатлар, китоб тақдиротлари, китобхонлик мусобақа-танловлари ва давра суҳбатлари ўтказиш учун ҳам яхши имконият манбаи бўляпти. Ушбу мазмундаги тадбирлар энг аввало корхона ишчи ходимлари ўтасида китобхонлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Л.БЎРИЕВА,
Бойсун туман АКМ
абонентлар ва
фойдаланувчиларга хизмат
кўрсатиш хизмати
мутахассиси.

Таълим муассасаларида мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб туриш, биринчи навбатда ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминласа, иккинчидан, уларда назарий билимларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш, меҳнат кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Мазкур талабдан келиб чиқиб, кейинги пайтда Бойсун туман 2-сон техникумида ҳам талабалар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбирлар, касбий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда касб-хунар танлаш, ёшларни касбий таълимга жалб этиш, касбий таълим соҳасида билим олаётган ёшларни ОТМларга қамровини ошириш таълимда инновацион ғояларни қўллаш орқали сифатини ошириш ва албатта, олинган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мавзуларида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Масалан, техникумда тез-тез ўтказиш аъёнага айланган “Касбим-фаҳрим” танлови анча оммалашган маърифий-амалий танловлардан саналади. Танлов шартига кўра, унда талабалар билим масканида олаётган назарий билимларини амалий кўникмалар асосида кўрсатишга ҳаракат қилишади. Мухим жиҳати шундаки, мазкур танлов натижаси ўлароқ талабаларнинг назарий билимларни қай даражада ўзлаштиришгани ва олинган билимларини қай даражада амалиётга татбиқ эта олиш даражаларини баҳолаш мумкин. Айни шу кунларда, ўтиб бораётган ўқув йили охирирлашаётган бир пайтда талабалар билим ва амалий кўникмаларни синовдан ўтказишлари учун имконият яратиш учун мазкур танлов аъёнавий тарзда ўтказилгани ҳам айни шу мақсадларни қўзлаб ташкил этилди. Таълим муассасамизнинг 1-2-курс талабалари иштирок этган ушбу танлов ҳар доимгидан қизиқарли ва жонли тарзда ўтиб, ўқувчи-ёшларнинг назарий ва амалий билим кўникмалари синовдан ўтказилди.

Ўқув йили тугашига бир муддат вақт бўлишига қарамай техникумда янги ўқув йилига тайёргарлик, жумладан мактаб битирувчиларини касбий таълимга жалб этиш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу масъулиятли вазифани тўғри амалга оширишининг ўзига хос бир қанча йўналишлари бор. Шубҳасиз, уларнинг энг ишончлиларидан бири – бу умумтаълим мактабларида бизнинг ўқитувчилар, усталиримиз иштирокида ёшларни касб-хунарга йўналтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш ва мактаб битирувчиларини касбий таълим билан таништириш саёхатлари

ташкил этишдир. Хусусан 55-, 33-сонли мактабларда ёшларни касбий таълимга жалб этишга қаратилган учрашувлар, шунингдек, 55-, 35-умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг техникумга ташрифи ташкил этилган, умид қиламизки, кейинги ўқув йили учун талабалар танлаш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ



Касбий таълим муассасамизда маданий тадбирлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, маданий мавзудаги тадбирлар нафақат ўқувчилар, балки бутун жамоамизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларни китобхонликка жалб қилиш, маданий, тарихий меросимизни ўрганиш, миллий қадриятларимизни қадрлаш, миллий ўзлигимизни англашларига хизмат қилади.

Масалан, яқинда таълим муассасамизда “Кувноқ стартлар” мусобақаси ташкил этилиб, унда асосан 1-босқич талабалари ўртасида спортнинг турли йўналшлари бўйича беллашув ўтказилди. “Амир-Темур миллат фаҳри” мавзуидаги маданий-маърифий тадбир эса Президентимизнинг “Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-46-сон қарори асосида ўтказилиб, унда буюқ саркарда бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти, давлатчилиқ соҳасида олиб борган беқиеъ ишлари яна бир бор ўрганилди. Шунингдек, техникумда Амир-Темур ҳаёти ва фаолияти ёритилган “Амир Темур” бурчаги ташкил этилди. 1-2-босқич талабалари

иштирокида ўтган “Амир Темур сиймоси суратларда” мавзуидаги маърифий тадбирда ёш рассомлар ижодий ишларида буюқ Соҳибқирон сиймосини тасвирлаш борасида маҳоратларини намоён этдилар. Соҳибқирон таваллудига бағишланган тадбирлар доирасида ўтказилган “Ош сайли” фестивалида эса гуруҳлар ўртасида миллий анъаналаримизни тараннум этувчи

миллий тоамлар тайёрлаш ҳамда миллий спорт ўйинлари мусобақалари ташкил этилди. Ушбу тадбир давомида талабаларимиз нафақат миллий аъёна ва урф-одатларимизни ҳурмат қилиш, балки жисмоний қобилиятларини ҳам намоён этишди.

Муҳтарам Президентимиз ёшларда маънавий-маърифий тарбияни шакллантириш энг муҳим масалалардан бири эканлигини доим таъкидлаб келадилар. Давлатимиз раҳбарининг келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар тарбияси билан боғлиқ ушбу ўғитларидан келиб чиқиб, техникумда ўтказиладиган маъданий-маърифий тадбирлар савиясини янада яхшилаш, уларнинг таъсирчанлигини оширишда бутун жамоамиз янги таклифлар ва ғоялар устида ишлар олиб боришмоқда.

Сирож ЖАББОРОВ,
Бойсун 2-сон техникумининг ёшлар ишлари бўйича директор ўринбосари.

Зулайхо РАМАЗОНОВА,
2-сон техникуми ахборот-кутубхона маркази кутубхоначиси.

1 балл--

ҚОИДАБУЗАРЛИКНИ АНИҚЛАШДА ШАФФОФ ТИЗИМ

жами 12 балл.

ЖАРИМА БАЛЛАРИ СИЗНИ ТРАНСПОРТ БОШҚАРИШ ҲУКУКИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШИ МУМКИН.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 майдаги 296-сонли “Транспорт воситаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан соҳада қатор муҳим нормалар белгиланди. Қарорнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида рақамлаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш масалалари белгилаб қўйилди. Жумладан, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари билан баҳолаш тизими жорий этилди. Мазкур Низом “Йўл-ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилиши назарда тутилган.

Низомда ҳар бир қоидабузарлик учун белгиланадиган жарима баллари, уларни ҳисоблаш ва қўллаш тартиби аниқ баён этилган. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича жарима баллари миқдори аниқ белгиланди.

Унга кўра мазкур кодекснинг 125 – моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, тормоз тизимида, руль бошқарувида ёки уловга қурилмада носозлик бўлган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқарганлик учун 0,3 балл, ушбу модданинг бешинчи қисмига кўра эса фойдаланиш ман этилган ёки давлат рақами белгиси

ўзбошимчалик билан ечиб олинган транспорт воситаларини бошқарганлик учун 1 балл белгиланди. 126-моддада эса кўзгусимон ёки қорайтирилган ойналардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, биринчи қисмига асосан 0,5 балл, ушбу ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса 1 балл қилиб белгиланди. Агар транспорт воситасида товуш сигнални сабабсиз бериш ёки ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилмаган ёритувчи ва товуш чиқарувчи қурилмаларни ўрнатиш ҳолатларига йўл қўйиладиган бўлса, ушбу қонунбузарлик учун 127-маоддага биноан 0,2 жарима бали белгиланади. Тезликни ошириш ҳолатлари билан боғлиқ қонунбузарликлар босқичма-босқич баҳолашни назарда тутилган бўлиб, (128-модда), унга кўра соатига чекланган тизимдан 20 километргача оширганлик учун 0,5 балл, 20-40 километр оралиғида 1 балл, 40-60 километр оралиғида 1,5 балл ва ниҳоят 60 километрдан юқори ҳолатда 2 балл белгиланади.

Янги тартибга биноан энди светофорнинг



қоидаларини бузганлик (1 балл), ҳайдовчиларнинг гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солиши ёки авария ҳолатини келтириб чиқарганлик (1,5 балл), темир йўл кесимшамаларидан ўтиш қоидаларини бузганлик (1 балл), йўл-транспорт қоидасини содир этиб, воқеа жойидан кетиб қолганлик каби оғир қоидабузарлик

таъқиқловчи сигналига бўйсунмасдан ўтиш ҳолатлари учун 1 балл, ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар, жумладан, махсус хизмат транспортларига йўл бермаганлик учун 0,5 балл, қарама-қарши йўлга ўтиш ёки авария ҳолатини юзага келтирганлик учун 1 балл жарима баллари олишингиз мумкин. Агар тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузадиган бўлсангиз, (128,5 модда) 0,2 балл жарима бали белгиланади. Шунингдек, янги тартибларга кўра, одам ташиш қоидаларини бузганлик учун (0,3 балл) автобус ва микроавтобусларда белгиланган талабларга риоя қилмаслик, хусусан, ички ишлар органлари ҳамроҳлигисиз ташиш ҳолати (0,5 балл), транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузганлик (1 балл), ҳайдовчиларнинг гуруҳ бўлиб ҳаракат қилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солиши ёки авария ҳолатини келтириб чиқарганлик (1,5 балл), темир йўл кесимшамаларидан ўтиш қоидаларини бузганлик (1 балл), йўл-транспорт қоидасини содир этиб, воқеа жойидан кетиб қолганлик каби оғир қоидабузарлик

учун (2 балл) ҳам кўрсатилган жарима балларини олиб, сиз охир-оқибат, транспорт воситасидан вақтинчалик маҳрум бўлиш (жами 12 балл) ҳолати билан жазоланишингиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида эслатиб ўтилган, йўл ҳаракати қоидабузарликларни жарима баллари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларидан келиб чиқиб, жарима баллари ҳайдовчиларнинг содир этган қоидабузарликларига қараб белгиланади ва улар бир йил давомида жамланиб борилади. Шу билан бирга фото ва видео қайд этиш тизимлари орқали аниқланган қоидабузарликлар учун ҳам жарима баллари ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида назоратнинг шаффофлигини таъминлаш ва инсон ўлимини камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, жарима балларини транспорт воситаси мулкдори ва уни бошқарган шахс ўртасида тақсимлаш тартиби жорий этилган бўлиб, бу орқали жавобгарлик айнан қоидабузарликни содир этган шахс зиммасига юкланиши таъминланади. Жарима баллари тизими ҳайдовчилар интизомини ошириш, қоидабузарликларнинг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизм сифатида хизмат қилади.

Шахбоз МУРТАЗОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси прокурорлик фаолияти йўналиши 3-босқич талабаси.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОРАЗАСИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш алоҳида аҳамиятга эга муҳим масаладир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир фуқаро табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт.

Шу билан бирга ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий ресурслари умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилади ва улар давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасига кўра, бошқа вазифалар қатори табиий муҳитни жиноятлардан қўриқлаш Кодекснинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун кодекс жиноятларнинг асосий принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қандай жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари белгиланишини назарда тутди. Табиий муҳитни асраш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш умумий вазифалар ҳисобланади ва бу экологик тизимнинг, табиат комплексларини муҳофаза қилишнинг

муҳим йўналишларидан биридир. Табиатни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг ҳам умумий вазифаси ҳисобланади. Бу экологик мувозанатни сақлаш ва табиий ресурсларни келажақ авлодларга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмида экология соҳасидаги жиноятлар алоҳида бобда белгиланган бўлиб, унда ЖКнинг 193-моддасидан 204-моддасигача бўлган нормаларни ўз ичига олади. 193-модда экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш, 194-модда атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш, 195-модда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик, 196-модда атроф табиий муҳитини ифлослантириш, 196¹-модда фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, 196²-модда фойдали қазилмаларни олтин

изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш, 197-модда ер, ер ости бойликларида фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш, 197¹-модда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик, 198-модда экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш, 199-модда ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш учун жавобгарлиқни белгилайди. Шунингдек, 206-модда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш, 201-модда зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш, 202-модда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш, 203-модда сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш, 204-модда эса муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш учун жавобгарлиқни белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур жиноятлар учун жавобгарликка, одатда, 16 ёшгача бўлган жисмоний

шахслар тортилади. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жиноий чоралар қўлланилади.

Бугунги кунда экологик муаммолар жаҳон миқёсида долзарб масалага айланган. Иқлим ўзгариши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг камайиб бориши ҳамда биологик хилма-хилликка зарар етказилиши инсоният олдида жиддий глобал хавф тусига кирган ва бугунги ҳамда келажақ авлодлар учун энг жиддий хатар ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир инсон она табиатга нисбатан масъулиятли бўлиб, уни асраш ва муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлаш – барқарор ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис бу йўналишда амалдаги қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш, экологик маданиятни юксалтириш ва ҳар бир инсоннинг шахсий масъулиятини ошириш орқали келажақ авлодларга соғлом ва мусаффо табиатни мерос қилиб қолдириш мумкин

Хуршид УМБАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг раиси.

BUG'DOYDA SARIQ ZANG KASALLIGI

Sariq zang kasalligi bug'doyzorlarda tarqalishi va hosilni nobud qilishi jihatidan xavfli kasallik hisoblanadi.

Bug'doy barglarida sariq zang odatda fevral oyining birinchi-ikkinchi o'n kunliklarida paydo bo'lib, bir oydan so'ng uning ekinzorlarda tarqalishi 1-5% ga yetadi. Sariq zang bug'doyning barglarini, kuchli rivojlanganida barg qini, boshqoq qiltiqlari, boshqochalarning tangachalari va donni zararlaydi. Zararlangan o'simlik barglarida va boshqa a'zolarida oldin kichik, oq yoki och-sariq tusli dog'lardan boshlanadigan yostiqliklar, ularning ichida esa sporalar – kasallik tarqalishi uchun xizmat qiladigan mikroskopik "urug'lar" paydo bo'ladi. Kasallik qo'zg'atuvchi asosan boshqoqli don ekinlarini zararlaydi. Qo'zg'atuvchi barg va barg qinining to'qimasi ichida uzunasiga o'sib, to'qima qobig'i ostida joylashgan, sap-sariq tusli, uzunligi 1 sm dan bargning butun uzunligigacha yetadigan, yostiqlichalardan tashkil topgan, chiziqliklar va tasmachalarni hosil qiladi. Yostiqlichalarda katta miqdorda changsimon sporalar hosil bo'ladi va ular to'qima qobig'ini yorib, tashqariga ochildi. Boshqoq qiltiqlari, boshqochalarning tangachalari va don zararlanganida ularning ustida nuqtalar yoki kalta chiziqliklar shaklidagi, sariq tusli yostiqliklar paydo bo'ladi. Sariq zang kasalligi Afrika, Yevropa, Osiyo, Janubiy Amerika, bug'doy ekiladigan barcha davlatlarda tarqalgan.

Kasallikning oldini olish uchun almashtirish berishni joriy qilish, yerni shudgorlash, yaxob sulvarini berish, o'simlik qoldiqlarini yo'q qilish talab etiladi.

Azim NORBOYEV, Salohiddin MAHMUDOV, tuman o'simliklar karantini va himoyasi inspektorlari.

ХАЗОН БЎЛГАН НИҲОЛЛАР

Орадан уч йил ўтди, аммо ҳануз ёш умри хазон бўлган набирамнинг хотираси мен билан. Ҳар қанча уринсам ҳам, бу дард-аламларни дилимнинг тубидан чиқариб ташлашга ожизлик қилдим.

Бир куни бизга хушхабар етиб келди, набирам онаси билан уйимизга келмоқчи экан. У келганда боғимизни айлантириб унга атаб экилган ниҳолни кўрсатдим. Бузrug-мехр уни кўриб, жуда қувониб кетди...

Набирам чиройли, меҳрибон ва бошқа тенгдошларидан бутунлай фарқ қилар эди. Ўйинларда ҳам ўз тенгқурларига дўстона муносабатда бўлар, жиддий гаплар айтар, ҳатто катталардек мулоҳаза қилар эди. Уни ҳамма – бобо-бувиси, яқинлари жуда яхши кўришарди, чунки бир неча ой олдин 1 ёшу икки ойлик укаси вафот этган, шунинг учун ҳам барчанинг меҳр-муҳаббати унга қаратилган эди. Неварам энди беш ёшга тўлиб, олтига қадам қўяётган эди. Жуда кўркам, одамларни ўзига тортувчи, суҳбат қуришга мойил бўлиб улғаяпти. Уни кўрганларни самимиёлиги билан ўзига ром қиларди. Суҳбатга чанқоқлиги сабабли дўстлари билан соатлаб гаплашишни истарди. Она ва бола ўртасида ўзгача меҳр бор эди. Она боласини, бола ҳам онасини жуда яхши кўрарди. Онаси ҳар куни уни боғчага пиёда ёки машинада олиб борар, тарбиячи ва энагалар уни кўрган заҳоти пешвоз чиқиб, жигарбандларини кўргандек кучоқлаб юзидан ўпардилар. Шу тариқа у икки йил боғчага қатнади.

Туғилган кундан икки кун олдин онаси билан боғчага келди. Усти-боши ораста, шинам бош кийим, оёғида яп-янги этикча, кулиб ўзини тарбиячининг бағрига отди. Ҳол сўрашу, ўпичлардан сўнг болаларга юзланиб, тантанали оҳангда:

–Эй, сизлар, биласизми, уч кундан кейин менинг туғилган куним. Ҳаммангизни уйимизга таклиф қиламан. Онам, бувим-бобом семиз қўй сўйиб, сизларга зиёфат қилиб берадилар. Онажоним мен учун нарсалар сотиб олди, мен чиройли кийимларимни кийиб кўрсатаман, сизлар ҳавас қиласизлар.

–Раҳмат болажоним, сиз бизга бу хушхабарни айтмаганингизда, балки ёдимиздан чиқиб қолар эди, - дея тарбиячи боланинг икки чаккасидан ўпиб кўйди.

Шу тариқа бу навниҳол мураббийлари ва тенгқурлари орасида туғилган кунини бир олам хурсандчилик билан ўтказди. Ҳозиргача ўзимга савол бераман: нега ўша куни мен неварамга берган ваъ-

дамни бажармадим. Ҳар сафар шуни эсласам, юрагим куйиб кетади. Ўша куни уйимга келиб мени тополмай, хафа бўлиб ортига қайтиб кетган эди. Ўша кеча қизимга кўнғироқ қилиб айтдимки, туғилган кунидан кейин уни боққа сайр қилишга олиб чиқмоқчиман. Чиройли навниҳол айтдики: сиз ваъдангизни бажармас экансиз. Мен қатъият билан жавоб бердим: бу ҳол қайта такрорланмайди. Бу суҳбатдан бир кун ўтиб, унинг вафоти ҳақидаги хабар етиб келди. Тошдек қотиб қолдим, бутун вужудим музлаб кетди. Қачон ўзимга келдим билмайман. Аза кунлари ўтди, юракни эзувчи оху нолалар ҳам бироз тингандек бўлди. Ҳамма ўз иши, турмуш ташвишлари билан овора бўлди.

Ғамгин ва йиғлаган юрагим билан ўз уйим сари йўл олдим. Ўша кунлар юрак ғам-қайғу қаърида қолган эди. Оёқларим дард-алам занжирига чирмашиб қолган, бор куч-қувватим билан Худога илтижо қилардим. Ўзимни ухлашга, барчасини унутишга мажбур қилардим. Аммо кўзларимга уйқу илинмасди. Бир маҳал кўзимга уйқу илинибди. Ўзимни чиройли либос кийган неварамнинг бағрида кўрдим.

–Эй бобожон, қаранг, менинг ниҳолим гулларга бурканган, бу йил кўп мева тугади.

Навниҳолнинг фарқ очилган гуллари даштнинг салқин шамолида гўё оппоқ қор парчалари каби унинг танасига тўкилиб тушарди. Неварамнинг юзи ҳам, кийими ҳам оппоқ бўлиб жуда чиройли кўринарди. Аллоҳнинг бу иноятидан қувониб, рақса тушарди. Мен уни узокдан томоша қилиб, юрагим яйрар эди. Айнан шу он оппоқ нурдек жилваланган гул либосли сиймоси бирдан кўз олдимдан ғойиб бўлди. Чўчиб уйқудан уйғониб кетдим. Ўзимни хонада, қаравот устида кўрдим. Кўрган тушимни кўз олдимга келтириб, ўзимча таъбир қилишга уриндим. Аммо чалкаш фикрлар гирдобда қолдим. Турфа саволлар ўргимчак тўридек бошимни чирмаб ташлади.

Ҳаёт ташвишлари орасида янги бунёд этилган боғдан хабар олмай қўйганим ёдимга тушиб, боққа боришга азм қилдим. Бузrugмехр билан тенгдош неварам ҳар қанча қаршилиқ қилмай ортимдан эргашди. Биз боғнинг дарвозасига етиб келдик. Боғда келинчак баҳор ҳукм сураб, кўчатлар гулга бурканган эди. Икковимиз Бузrugмехр учун ўтказилган навниҳолнинг ёнига



келдик. Ниҳол гулларга бурканган, янги куртаклар очган бўлсада, сўлиш томон юз тутган эди. Ҳайратдан лол бўлиб, кўрган манзарамга кўзларим ишонмасди. Новдани кўлимга олдим. Навниҳол гуллаб бўлғач барглари тўкилиб, хазон бўлиб қолган эди. Бутун вужудим ларзага келди. Юрагимдан бир фарёд отилиб чиқди. Кўзларимдан оққан ёш бўғзимни куйдирарди. Рўпарамдаги неварамни кўриб, ўзимни кўлга олишга уриндим.

–Бобожон йиғламанг, мен ўзимни ниҳолимни Бузrugмехрга бераман, - деган гапидан ўзимга келдим. Ўзимни унга буриб қарадим, у худди мен каби кўз ёш тўкиб, қайта-қайта шу сўзларни такрорларди. Сўлиб қолган кўчатни кўлимдан қўйиб, унинг ниҳолига қарадим. Гўё у бир чўққига кўтарилаётгандай кўкка бўй чўзиб, яшнаб турарди.

Бу воқеадан кейин бир неча йил ўтди. Ҳар сафар жонни куйдиргучи дард кўз олдимга келса ўзимдан сўрайман: наҳотки бу икки ниҳолнинг умри бирданига тугаган бўлса? Бузrugмехрнинг вафот этиши ва ниҳолнинг қуриб қолиши ўртасида қандай боғлиқлик бор? Бу сирни очишга ҳануз ожизман...

Нурали РАЖАБ.
(Тожики тилидан Н.Жўракулова таржимаси).

Тасаввуф – Ислом динидаги таълимот бўлиб, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан покланиш ва комилликка етказиш орқали Аллоҳга яқинлаштирадиган маънавий воситадир.

Тасаввуф таълимотида “Ху” нидоси теран маънавий-маърифий маъно касб этади. У Ал-



лоҳни зикр қилиш, яъни эслашнинг махсус шаклидир. “Ху” араб тилида “У”, “Ўзи” деган маънони билдиради. Тасаввуфда бу сўз бевосита Аллоҳнинг ўзини англатади. Аллоҳни номи билан эмас, балки мавжуд ва адабий зот сифатида ҳис қилишни ифода қилади. Жуда қисқа, аммо теран зикр ҳисобланади. “Ху” дейилганда У – ягона борлиқнинг асоси бўлган зот назарда тутилади. “Ху” сўзига “ё” ундов сўзини қўйиб “ё Ҳу” тарзида қўлланилиши эса банданинг бевосита Яратганнинг ўзига мувожааати, нидоси ва илтижоси сифатида намоён бўлади. Бу орқали тасаввуф аҳли – сўфийлар, қаландарлар қалбан, ботиний ҳолатда Аллоҳга бандалик изҳор этадилар. Бу зикр орқали банда ўзини унутиб, фақат “Ўзи”нигина ҳис қилиш даражасига етишга интилади. “Ху” зикри Ваҳдат – Аллоҳнинг ягона ва буюклигини, банданинг фанолиқни англаганини, қалбни дунёвий ғуборлардан тозалаш, ички покланишга интилишни ифода қилади.

Ясавия ва Нақшбандия тариқатларида “Ху” зикри муҳим аҳамият касб этади. Мутасаввуф шоирлар эса бу нидо орқали ўз иходларида Яратганга бўлган муҳаббатини, руҳий кечинмаларини холис ифода қилишга интиладилар. Масалан, шайх Аҳмад Ясавий ҳикматларида бу зикрни таъриф қилишга таъриф таъриғига урғу берилганининг гувоҳи бўлаемиз:

**“Аё ошиқ, бу дунёда меҳнат тортгил,
Тортқон жабру жафоларни роҳат билгил.
“Ху” суҳбатин кўргон ерга ўзинг ургил,
Ургон ошиқ муқодин топар дўстлар.
Муҳаббатдан хабар олгон жонни билмас,
Бошин кесса ёнори йўқ, қонни билмас.
Ишқ –каломи, завқ-таоми, нонни билмас,
“Ху-ху” тею зикрин айтиб юрар эмиш”.**

Тасаввуфда бу зикр ўзига хос адаб ва эҳтиром қоидалари асосида бажариш керак бўлган амаллардан ҳисобланган. Сўфий нафас олганда Аллоҳни эслаб, унинг ваҳдатини ҳис этади ва нафас чиқарганда “Ху”, яъни “У” (ёки Ўзи) дея таъкидлайди, қалбан ором олади, бутун борлиги Яратганга бог-

“ХУ” ВА ХАЛҚ ЭТНОГРАФИЯСИ ёхуд тасаввуф таълимотининг Бойсун фольклор санъатига таъсири

ланади. “Ху-ху” тею халқ ёдини айтиб” (Аҳмад Ясавий) ҳар нафасда Аллоҳни эслаш, “Ишораси кўксидан ҳар лаҳза “ё ху!” (Аҳмад Ясавий) ошиқ учун шарафдир. Дарвешлар жамоа бўлиб зикр тушганда бир киши Аллоҳнинг мадҳида шеърый бандни ёқимли овозда айтади, жамоа халқаси банд якунида “Ху” нидосини баравар такрорлаб туришади:

Халқа ичра “Ху” денгиз, ишқ ўтига ёниниз,

**Тан-жон бирла, толиблар,
такбир айтиб, бошлаб айтинглар.
“Ху-ху” тею зор инграр, “Ху”
демакда маъно бор,
Дидорига умидвор раҳматидан олинглар.**

Бу усул биринчи навбатда, айтувчини руҳлантиради, иккинчидан, халқа оиланинг шавқини

шиш услубида баъзан “Хуй” тарзида қўлланган. Бу ҳолат ҳам халқ оғзаки ижодида иникос этган. Масалан, халқ кўшиқларидаги “Хуй деган Худога банд” мисраси каби. “Ху” нидоси оддий сўз эмас – халқ онгида Аллоҳни эслаш, дардини енгиллаштириш ва қалбини бўшатиш воситаси бўлиб келган. Бу зикрнинг омма орасида кенг ёйилиши, истифода этилишида халқ орасида жаҳрия усулида зикр айтиб юрган кўллаб дарвешларнинг ҳиссаси катта бўлган. Инчунин, Бойсун халқ этнографик кўшиқлари орасида бўлган ва жаҳон номоддий маънавий дурдонаси дея эътироф этилган “Якху-якху” номи билан машҳур бўлган қадимий халқ кўшиғи ва бошқа бир қатор халқона йўлда айтилаётган кўшиқларда зикр аломатларини яққол кўриш мумкин:

**Айлансин ёр, айлансин,
Қошлари қаро айлансин.
Шафтолизор ичидан,
Бодомқабоб айлансин.
Якқу-якқу, якқу-якқу-
Девор устига девор,**



оширади, учинчидан уларни васлга яқинлаштиради.

Ясавий тариқати, туркий дунёдаги энг халқчил, халқона оҳангларга яқин тариқат бўлганлиги туфайли унга хос бўлган адабиётнинг халқ оғзаки ижодида, хусусан, халқ кўшиқларига таъсири ниҳоятда катта бўлган. Зеро, фольклор санъати макон ва замон таъсирида жонли сўзлашув тили хусусиятларини ўзида тўлиқ намоёиш эта олади. Ўз навбатида диний – тасаввуф унсурларни ҳам ўзига сингдира олган. Халқ кўшиқларининг айтувчилари ошиқнинг ёрга илтижосини, қалбнинг ниҳоний сандоси бўлган кечинмаларини ёр (мажозий)га етказишда Парвардигорнинг “Ху” зикридан қўшиқда фойдаланганлар. Халқ кўшиқларида “Ху”, “Ху-ху”, “ё ху” нидоси илоҳий ишорани ниҳон ифода қилиш, қўшиқ оҳангини кучайтириш, руҳий кечинмаларни чуқурлаштириш учун қўлланилади. “Ху” зикри сўзла-

**Девона бўлсин аканг.
Бошингда балҳи рўмол,
Девона бўлсин аканг
Якқу-якқу, якқу-якқу...**

Кўшиқ бармоқ вазнида тўртлик бандлари тўлиқ бўлиб, “Якқу-якқу, якқу-якқу” унинг вазнига мос равишда нақорат вазифасида келган. Якқунинг “Ху”, “Ху-ху”, “ё-ху” зикри (нидо дейишимиз ҳам мумкин)га алоқадорлигига келсак, биринчидан кўшиқ матнига мазмун жиҳатдан боғлиқ эмас. Иккинчидан, ўзбек тили лексикасида “якқу” номили мустақил сўз- лексик бирлик йўқ. Шунингдек, бундай ундов ёки тақлид сўз ҳам мавжуд эмас. Шу сабабли Якқу-якқу, якқу-якқу” даги “Як-ку” аслида тасаввуф адабиёти-

дан халқ ижодиётига кўчган. Буни “Ё - ху” зикрининг оғзаки нутқида ўзгарган варианты деб қараш ўринли. Оғзаки нутқда талаффуз жараёнида “Ё-ху” зикрининг такрорийлик ритми тенглаштирилса, “ё” ундови “я” тарзида талаффуз этилади. Кўшиқнинг ҳозирги замон талаби даражасида мусикага мослаштирилган варианты ритми бир аср аввалги ҳолатига қараганда анча тезлаштирилган. Бунинг сабаби – юртимизнинг шўро ҳукумати томонидан босиб олиниши натижасида халқимизнинг миллий ва диний қадриятлари, аъналарига нисбатан чеклов ва таъйиқларнинг ортиши бевосита халқимизнинг миллий фольклор этнографиясига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

1934 йилга келиб эса Собик иттифоқ ҳукумати фольклорга бўлган муносабатни ўзгартириш ва уни ривожлантириш хусусида махсус чора-тадбирлар белгилайди. Шундан кейин Ўзбекистонда ҳам халқ оғзаки ижодини ривожлантириш, тўплаш, чоп этиш ишлари бир қадар жонланди. Бироқ тасаввуфий, диний-маърифий мазмундаги аъналар, қадриятлар, фольклор намуналарига нисбатан “эскилик сарқити” сифатида қараш, цензура ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача сақлаб қолинади. Ана шундай бир шароитда бир гуруҳ бойсунлик санъаткорлар 1960-1970 йиллардан бошлаб халқ оғзаки ижодиёти намуналарини топиш, уларни қайта тиклаш, халқимизнинг миллий-маънавий бойлиги қаторига қўйиш, қайта сайқал бериш ташаббуси билан чиқишади. Улар томонидан нафақат кўшиқларнинг сўзи, балки уларга мос қўйлар ҳам қайта тикланди. Бироқ, мафқуравий таъсир босимида аксарият кўшиқлар, жумладан биз тилга олган “Якқу-якқу” кўшиғидаги “ё-ху” нидоси ҳам “Якқу” шаклида истифода этила бошлаган эди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, тасаввуф таълимоти ва адабиётининг қадим халқ оғзаки ижодиётига, шу жумладан Бойсун халқ этнографик санъатига таъсири жуда катта бўлган ва у келгусида кенг кўламли илмий изланишлар, илмий таҳлилларни талаб қилади. Зеро бу таҳлиллар, изланишлар Бойсун халқ ижодиёти таърихи, кеча ва бугунини тўлақоли англашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Нурмуҳаммад ЖЎРАЕВ,
55-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.



MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVATCHI:

Azamat G'AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

- tijorat materiali.

Mualliflari fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
“BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta “Boysun” tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi” va “Zarya Surxana” gazetalarini bosmaxonasi chiqarildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.